

Ўқитувчиларни ACFPда аккредитациядан ўтказиш тўғрисида низом

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу низом ACFP имтиҳонлари дастурлари бўйича амалий машғулотларнинг юқори сифатда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Атамалар ва тушунчалар:

- ACFP – ўқитувчиларни аккредитациядан ўтказишни амалга оширувчи Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси;
- ACFP малака дастурлари – ACFP имтиҳонларини тайёрлаш ва ўтказиш дастурлари;
- ўқитувчи – таълим муассасасининг ходими ёки ўзини ўзи банд қилган шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномага асосан таълим берувчи шахс, шунингдек, асосий ишдан бўш вақтда жисмоний шахсларнинг катта бўлмаган гуруҳи билан машғулотлар ўтказувчи репетитор-бухгалтерлар;
- номзод – амалий машғулотлар ўтказиш ҳуқуқи учун ACFPда аккредитациядан ўтишни хоҳловчи шахс;
- амалий машғулот – ACFP дастурлари бўйича Ресурс маркази ўқув-услубий материаллари асосида ўтказиладиган амалий машғулотлар (семинарлар, вебинарлар, тренинглар);
- Ресурс маркази – Ҳисоб ва солиқлар бўйича малака ошириш ресурс маркази, «Норма» профессионал ривожланиш марказининг бўлинмаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори (25.06.2021 й.) асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган;
- ўқитувчини аккредитациядан ўтказиш – ўқитувчининг амалий машғулотларни сифатли ўтказиш лаёқатини тасдиқлаш;
- аралаш ўқитиш – таълим платформасида ташкиллаштирилган тингловчининг мустақил равишда ўқиши ва аккредитациядан ўтказилган ўқитувчилар томонидан қатнаб (ёки онлайн) ўтказиладиган амалий машғулотларда иштирок этишни бирга қўшиб олиб бориш асосида ўқитиш;
- таълим платформаси – buxgalter.academy ва moliyachi.academy интернет-порталлари бўлиб, уларнинг саҳифалари орқали ўқитувчилар ва уларнинг тингловчилари ўқув-услубий материалларга кириш имкониятига эга бўладилар;

- ўқув-услубий материаллар – кириш таълим платформалари орқали таъминланадиган вебинарлар, видео-маърузалар ёзувлари, тақдимотлар маърузалар матнлари, тестлар ва топшириқлар;
- ташкиллаштирилган мустақил равишда ўқиш – тингловчилар гуруҳларида амалий машғулотлар ўтказиладиган саналарга қадар курс мавзуларидан ўтишни кўзда тутувчи муайян жадвал бўйича ташкиллаштирилган ўқиш;
- реклама жиҳатидан қўллаб-қувватлаш – аккредитациядан ўтган ўқитувчиларнинг курсларини тарғиб қилиш.

1.2. Ўқитувчиларни аккредитациядан ўтказишнинг асосий вазифалари:

- ўқитувчилар талабгорларни ACFP имтиҳонларига сифатли тайёрлаш учун зарур билим ва кўникмаларга эгаллигини тасдиқлаш;
- талабалар ва иш берувчилар томонидан ўқитувчиларга нисбатан ишонч ва ўқитувчиларнинг профессионаллигига ишончни ўрнатиш;
- профессионал ҳамжамиятни ва ўқитувчилар ўртасида тажриба алмашишни ривожлантириш.

1.3. Ўқитувчиларни аккредитациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ACFP Устави ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ мазкур низомга мувофиқ ихтиёрий асосда ўтказилади.

1.4. Ўқитувчини аккредитациядан ўтказиш ва уни узайтириш тўғрисидаги қарор ACFP директори томонидан қабул қилинади.

1.5. Аккредитациядан ўтган ўқитувчига бир календарь йил муддатга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

II. Аккредитациядан ўтказиш тартиби

2.1. Аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1-босқич – ўқитувчи у бўйича аккредитациядан ўтишни истаган амалий машғулот фани бўйича онлайн курсдан ўтиш;
- 2-босқич – амалий машғулотларни ўтказиш услубияти бўйича тренингдан ўтиш;
- 3-босқич – имтиҳон марказида имтиҳон топшириш;
- 4-босқич – аккредитациядан ўтиш учун ариза бериш;
- 5-босқич – аккредитация тўғрисида қарор қабул қилиш.

2.2. Аккредитациядан ўтиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар:

- ўқитувчи у бўйича аккредитациядан ўтишни истаган амалий машғулотни ўтказиш учун онлайн курсдан – энг юқори баллнинг камида 90%и миқдорида натижа билан ўтиш;

- амалий машғулотларни ўтказиш услубияти бўйича тренингдан – энг юқори баллнинг камида 90%и миқдорида натижа билан ўтиш;
- имтиҳон марказида имтиҳонни энг юқори баллнинг камида 90%и миқдорида натижа билан топшириш;
- АСФР малака дастурлари талабларини тушунтириш юзасидан билим ва кўникмалар;
- асфр.uz сайтида ариза-сўровнома бериш.

2.3. Номзод аккредитациядан ўтиш учун асфр.uz сайтида ариза-сўровномани тўлдириши ва бериши керак.

2.4. Аризага аккредитациядан ўтказиш талабларига мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинган бўлиши керак.

2.5. Аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги қарор АСФР директори томонидан асфр.uz сайтида ариза-сўровнома берилганидан кейин 10 кунлик муддатда қабул қилинади.

2.6. Ўқитувчини аккредитациядан ўтказишнинг барча босқичлари бепул амалга оширилади.

III. Аккредитациядан ўтказишни узайтириш тартиби

3.1. Ўқитувчини аккредитациядан ўтказиш қўйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида узайтирилади:

- ўқитувчида ўқишдан ўтган тингловчилар сони;
- имтиҳонларга борган тингловчилар фоизи;
- биринчи уринишда имтиҳон топширган тингловчилар фоизи;
- педагогика технологиялари ва/ёки ўқитувчи аккредитациядан ўтказилган фан бўйича малака ошириш соати миқдори.

3.2. Аккредитациядан ўтказишни узайтириш учун ўқитувчи асфр.uz сайтида ариза-сўровномани тўлдириши керак.

3.3. Аккредитациядан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги қарор АСФР директори томонидан асфр.uz сайтида ариза-сўровнома берилганидан кейин 10 кунлик муддатда қабул қилинади.

III. Аккредитациядан ўтказилган ўқитувчилар реестри

3.1. АСФР аккредитациясидан ўтган ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотлар аккредитациядан ўтказилган ўқитувчилар реестрига (кейинги ўринларда – реестр) киритилади.

3.2. Реестр асфр.uz сайтида жойлаштирилади.

3.3. Реестрда аккредитациядан ўтган ўқитувчилар тўғрисида қуйидаги маълумотлар бўлади:

- ўқитувчининг фамилияси, исми, шарифи;
- ўқитувчи аккредитациядан ўтказилган ваколатлар соҳаси (имтиҳон номи);
- аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг рақами ва амал қилиш муддати;
- ўқитувчи улар бўйича аккредитациядан ўтказилган амалий машғулотларни ўтказиш ҳуқуқи учун имтиҳонлар;
- ўқитувчиларнинг боғланиш маълумотлари, шу жумладан ҳамма фойдаланиши учун ёпиқ бўлган маълумотлар.

IV. Аккредитациядан ўтган ўқитувчиларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

4.1. Ўқитувчилар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар:

- ушбу Низом талабларини бажариш;
- ҳар йили Ресурс маркази томонидан ташкил этиладиган аккредитация фани ва/ёки янги педагогика технологияларини қўллаш бўйича камида 20 академик соат ҳажмида малака оширишдан ўтиш;
- АCFP иштирокчиларини имтиҳонларга тайёрлаш бўйича амалий машғулотларни сифатли ўтказиш;
- ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда ахлоқ меъёрларига риоя қилиш;
- уларнинг таълим платформаларида жойлаштирилган ўқув-услубий материалларга киришларини таъминлаш учун АCFPга ўз тингловчилари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;
- АCFP имтиҳонларини топширишни режалаштираётган ўз тингловчилари ҳақида АCFPга ахборот тақдим этиш;
- ўзининг таълим хизматларини мақсадли аудитория орасида тарғиб қилиш.

4.2. Ўқитувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгалар:

- ўқитишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш – ўқув ташкилоти орқали, ўзини ўзи банд қилган шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида;
- ўқитишнинг формати ва турларини танлаш – онлайн ёки қатнаб ўқиладиган амалий машғулотлар, онлайн, аралаш ёки қатнаб ўқиладиган машғулотлар;
- таълим хизматлари кўрсатиш нархи ва шартларини мустақил равишда белгилаш;
- платформалардаги ўқув-услубий материаллардан – 2026 йилга қадар бепул фойдаланиш;

- АСФР малакаси учун талабгорлар гуруҳларини мустақил равишда шакллантириш ва платформаларнинг ҳуқуқ эгасига ажратмаларсиз, уларга платформалардаги ўқув-услубий материалларга кириш имкониятини тақдим этиш;
- аккредитациядан ўтиш ва малака дастурлари бўйича АСФРдан ахборот ва маслаҳатлар олиш.

V. АСФРнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

4.1. АСФР қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- Ресурс маркази билан биргаликда ўқитувчилар учун улар аккредитациядан ўтишлари ва ҳар йили малака оширишлари учун ўтишлари шарт бўлган курслар ва амалий машғулотларни ташкил этиш (бир йилда камида 20 академик соат);
- ўқитувчиларни аккредитациядан ўтказиш ва агар номзодлар аккредитациядан ўтиш учун ушбу низомда белгиланган барча талабларни бажарган бўлсалар, аккредитациядан ўтишни узайтириш;
- 2026 йилгача бўлган муддатда ўқитувчилар ва улар тингловчиларининг ҳуқуқ эгасига ажратмаларсиз, платформаларда ўқув-услубий материаллардан фойдаланишини таъминлаш;
- аккредитациядан ўтган ўқитувчиларга уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва тарғиб қилишда кўмак бериш;
- номзодлар ва аккредитациядан ўтган ўқитувчиларга аккредитациядан ўтиш ва малака дастурлари масалалари бўйича АСФРдан ахборот ва маслаҳатлар тақдим этиш.

4.2. АСФР қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- номзод белгиланган талабларни бажармаган тақдирда унинг аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризасини рад этиш;
- ўқитиш сифати паст бўлган тақдирда ўқитувчининг аккредитациядан ўтишини узайтирмаслик;
- ушбу низомга ўзгартиришлар киритиш.

V. Яқуний қоидалар

5.1. АСФР томонидан ташкил этиладиган имтиҳонлар рўйхатига кирмайдиган фанлар бўйича аккредитациядан ўтказиш АСФР директори томонидан тасдиқланган соддалаштирилган схема бўйича ўтказилади.

5.2. Ушбу низом у тасдиқланган пайдан эътиборан кучга киради ва acfp.uz сайтида эълон қилинади.

5.3. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар АСФР директори қарорига асосан киритилиши мумкин.